

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru

2007 йил 17-23 июль № 28 (544)

Сешанба кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Перезидентининг Фармони

2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларига ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,25 барабар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 15525 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 30750 сўм;
ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 15525 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 30750 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 18625 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобида иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 1 августдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2007 йил 10 июль.

Абитуриент — 2007

КЕЛАЖАК САРИ ИНТИЛИБ



нинг ота-оналари учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш мақсадида ушбу тиббиёт даргоҳларида бўлиб қайтар эканмиз, ҳар йилгига қараганда бу йил абитуриентларнинг ўзлуксиз тарзда ҳужжат топшираётганликларига гувоҳ бўлдик. Ёшлардаги билимга бўлган ташналикни қўзатар эканмиз, уларнинг келажак сари интилиб, танлаган касбига бўлган иштиёқининг канчалик баланд эканлигига ҳавас қилдик. Фарзандлари билан бирга келган ота-оналарнинг муштарак мақсадларига қўлоқ тутар эканмиз, улар таълим муассасаларида яратилган шароит ва имкониятларни фахр билан эътироф этдилар. Зеро, бундай орзу-умидлар интихоси келажаги буюк давлатимизнинг янада раванқ топишида муҳим пойдевор бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

Айни кунларда республикамизнинг барча олий ўқув юртларида 2007-2008 ўқув йили учун абитуриентларни қабул қилиш жараёнлари қизғинлик билан олиб борилаётганда. Шўжумладан, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти ва Тошкент Фармацевтика институтида ҳам абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёнларига масъулият билан ёндошилмоқда. Биз мазкур жараён ҳамда абитуриентлар ва улар-



Азиз муштарийлар!

Газетамизнинг ҳар бир сонини ўз вақтида ололмаётган бўлсангиз, нашрни етказиб бериш масалалари бўйича тураржойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»нинг

8 (371) 133-74-05

рақамли телефонида қўнғироқ қилиб, мурожаат қилишингиз мумкин.

КЕЛАЖАК САРИ ИНТИЛИБ

ЎТА ТЕЗКОРЛИК БИЛАН



ШАРОИТЛАРДАН БАРЧА МАМНУН

Биз Тошкент Педиатрия Тиббиёт институтининг қабул бўлимидаги фаолиятлар билан танишиб чиқар эканмиз, абитуриентлар учун яратилган шарт-шароитларни қўриб, уларнинг ҳужжат топшириш жараёнларида ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмасликларига амин бўлдик. Авваламбор, қабул бўлимига кираверишдаги кўргазма доскаларига разм солар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 30 майдаги ПҚ-645-сонли «2007-2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 июндаги 92-сонли «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисида»ги Қарорлари, бундан ташқари, институтнинг ички буйруқлари, абитуриент ва ота-оналар учун керакли маълумотлар ўрин олганлигини кўрдик. Шу билан бир қаторда, «Педиатрия», «Касбий таълим» ва «Олий маълумотли ҳамширалик иши» факультетлари тўғрисида алоҳида ахборотлар фотосуратлари билан берилганлиги ҳам институтга илк бор қадам қўяётган абитуриентларнинг танлаётган йўналиши учун муҳим аҳамият касб этиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Таъкидлаш жоизки, қабул комиссиясида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилаётган мутахассислар ҳамда абитуриентлар учун яратилган имкониятларнинг кенглиги ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Шунингдек, ҳужжат топшираётган йигит ва қизларнинг узоқ навбат қутиш ҳолатларини учратмадик.

2006 йилги ва жорий йилнинг 15 июлигача институт факультетларига ҳужжат топширган абитуриентлар кўрсаткичини солиштирганимизда ўтган йилгига қараганда бу йилги кўрсаткич анчагина юқори. Институт умумий қабулининг 2006-2007 йиллар 15 июлигача бўлган кўрсаткичини солиштириб кўрганимизда, ўтган йилда 1290 нафар, бу йил эса 1616 нафар абитуриент қабул қилинган.

Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам абитуриентлар учун яратилган имкониятлар ҳужжат қабул қилиш жараёнларида енгиллик туғдирмоқда. У ерда ҳам абитуриентларга зарур бўлган маълумотлар ёзма ва кўргазмали тарзда деворий стендларда ташкил этилган.

Қабул комиссиясидаги фаолиятлар билан танишар эканмиз, ҳужжат топшираётган абитуриентлар учун барча шароитлар мавжудлигини кўрдик. Жумладан, академия биносининг икки жойида бешта факультет учун алоҳида шароитлар яратилган. Шу боис, ҳар бир факультетга қабул қилинаётган абитуриент ўз ҳужжатини тезда топшириш имкониятига эга бўлмоқда. Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, 5 та факультетга ҳужжат топширган абитуриентларнинг бу йилги сони ўтган йилгига нисбатан анча ортган. Айтиш лозимки, академиянинг «Тиббий профилактика» ва «Олий маълумотли ҳамширалик иши» факультетларига ўтган йилгига қараган-



да кўрсаткич икки-уч баравар кўпайганлигини гувоҳи бўлдик. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 6 декабрдаги ПҚ-524-сонли «Ўрта тиббиёт ходимларининг малакаси ва мутахассислик даражасини оширишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қароридан руҳланган абитуриент-

лар академиянинг «Олий маълумотли ҳамширалик иши» факультетига ҳар йилгига нисбатан кўп ҳужжат топширганлиги ҳам бежиз эмас. Бу албатта, Давлатимиз раҳбарининг соҳа вакиллари меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГЛИГИ...



Тошкент Фармацевтика институтидаги қабул комиссиясининг иш жараёнини кўздан кечирав эканмиз, абитуриентларнинг ҳужжатлари устида тезкорлик билан ишлаётган мутахассисларнинг фаолиятига разм солганимизда уларнинг ўта масъу-

лият ва ҳушёрлик билан ёндошаётганликларига гувоҳ бўл-

дик. Шунингдек, абитуриентларни ҳужжат топшираётган жараёнларини кузатганимизда мутахассисларнинг уларга бўлган муомала маданияти ва муносабати эътиборимизни ўзига жалб этди.

Институт маъмурияти томонидан яратилган бундай шарт-шароитлар абитуриент ва уларнинг ота-оналари учун ҳеч қандай муаммо туғдирмапти.

Юқорида тилга олинган тиббиёт даргоҳларининг айна пайтдаги шароитларини таққослаб кўрадиган бўлсак, у ердаги абитуриентлар учун яратилган имкониятларнинг кенглиги бугунги давр талабига жавоб бера олади десак, янглишмаган бўламиз.

Ҳа, абитуриентлар учун орзқиб кутилган синовили дақиқалар яқинлашиб келмоқда. Уларнинг қалбига талабаликка бўлган иштиёқ жўш урар экан, бу ўринда биз ҳам тиббиёт йўналишини танлаган йигит-қизларнинг кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишларини тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.



Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соглиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

ОБУНА — 2007

**Азиз шифокорлар,
ҳамширалар, зиёлилар ва
барча
муштарийлар эътиборига!**
Тиббиётдаги янгилıklar
сари одимлашингизда Сизга
мадад бўлишни
ўз олдиға мақсад қилиб қўйган

**«Ўзбекистонда соғлиқни
сақлаш —
Здравоохранение
Ўзбекистана» газетасига 2007
йилги обуна давом этмоқда.**

Буни унутманг!
Нашр индексимиз: 128.



Ахборот

ҚВПга ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ

Иштихон тумани Бахрин қишлоғида жойлашган Элибой Қорабоев номли қишлоқ врачлик пункти Осиё Тараққиёти ва Тикланиш Банкининг 3,5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамидан баҳраманд бўлганига кўп вақт ўтган эмас. Ана шу маблағ эвазига физиотерапия хонаси тўлиқ жиҳозланди. УЗИ, лазер, ингалация жиҳозлари, шунингдек, лаборатория хонаси учун замонавий аппаратуралар келтирилди. 14 ўринга мўлжалланган кундузги стационар ҳам ишга туширилди.

Айни пайтда мазкур шифо масканида терапевт, стоматолог, акушер-гинеколог сингари кўплаб малакали мутахассислар аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилишмоқда. Жумладан, муассаса худудидаги ҳар бир хонадонга таширф буюриб, улар билан ҳар хил касалликлар, яъни уларнинг келиб чиқиши, олдини олиш ва ўз вақтида даволаш лозимлиги тўғрисида таърибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти.



СЕСТРИНСКОЕ ДЕЛО

МИНИСТЕРСТВО
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН -
ВСЕМИРНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ



Рихси САЛИХОДЖАЕВА,
Главный специалист по
сестринскому делу
Министерства
Здравоохранения
Республики Узбекистан.

— Здоровье — это большой и самый дорогой дар для каждого человека. И оберегать этот дар, для себя, для будущего поколения — самая главная наша задача. Но, к сожалению, на сегодняшний день по всему миру наблюдается большой рост распространения ВИЧ/СПИДа, из-за которого погибают миллионы людей. Почему это происходит, что следует сделать для предотвращения данной проблемы? Именно этой теме и касалось проводимое мероприятие.

Известно, что для борьбы с ВИЧ/СПИДом задействованы все средства и силы. Немаловажную роль в деле борьбы с ВИЧ/СПИДом играет профессионализм медицинских работников, их умение и знание своей сферы деятельности. Наряду с врачами и медицинские сестры проявляют активность в этом деле. Путем пропаганды ведения здорового образа жизни, благодаря умению общения с пациентами, им удается достигнуть хороших результатов. Как на церемонии открытия, так и в последующей работе в группах было отмечено, что только профессиональная подготовка медицинских сестер, предоставление им необходимых условий для труда, а также плодотворный обмен опытом привели к столь позитивным результатам. Но не следует останавливаться на достигнутом, следует разрабатывать новые рекомендации, искать пути решения сложной проблемы ВИЧ/СПИДа. В ходе конференции участниками были разработаны данные рекомендации, которые обязательно будут применены на практике и станут своеобразным путеводителем в деле борьбы с глобальной проблемой человечества.

ИХ ТРУД ВАЖЕН ВСЕГДА

Гузаль ГИЯСОВА,
Директор
Республиканского центра
СПИДа.

— Эпидемия СПИДа — это большая проблема, поиском решения которой сегодня занято все человечество. К сожалению, миллионы людей умирают от СПИДа.

Для выявления случаев инфицирования ВИЧ-инфекцией были четко определены «группы риска» по возможному инфицированию ВИЧ. Данная проблема признана на Государственном уровне. С участием международных экспертов проведена оценка Стратегической программы на 2003-2006 годы, разработана и утверждена новая Стратегическая программа на 2007-2011 гг.

В рамках данной программы запланировано улучшение материально-технической базы центров СПИДа. В целях снижения распространения риска ВИЧ-инфицирования среди представителей групп риска созданы и оснащены 31 дру- жественных кабинетов, позво-



ляющих получить бесплатную медицинскую помощь по синдрому лечению инфекции.

Немаловажна и работа по подготовке квалифицированных медицинских кадров. В рамках проекта Глобального Фонда

обучены более 300 ВОП, акушер-гинекологов г.Ташкента и Ташкентской области по добровольному консультированию и тестированию. А сегодняшний семинар послужит очередным толчком в борьбе с актуальной проблемой всего человечества.

Елена ПАНКОВА, (Россия).

— Будучи в вашей гостеприимной стране и подробно ознакомившись с деятельностью среднего медицинского персонала, я очень обрадовалась их профессиональной подготовке, мастерству и преданности своей профессии. А участвуя на семинаре-совещании о роли медицинских сестер в профилактике ВИЧ/СПИДа, неоднократно упоминалось об актуальности данной проблемы и методах ее предотвращения. В ходе конференции, во время работы в группах, все участники проявляли интерес, предлагали свое мнение, шел ценнейший обмен накопленным опытом. В свою очередь, хотелось бы пожелать удачи и профессиональных успехов нашим узбекистанским коллегам.



Ольга ПОЗДНЯКОВА, (Россия).

— Проблема ВИЧ/СПИДа действительно актуальна во всем мире, от этого заболевания уходит из жизни большое число людей, а миллионам людей ставится диагноз ВИЧ-инфекция. И сегодня, на данном мероприятии, мы еще раз упоминаем об этой проблеме и пытаемся найти различные пути ее решения. На сегодняшний день в сфере медицины осуществляются мероприятия для предотвращения случаев заболевания. Немаловажна в этом роль как врачей, так и медицинских сестер. Ведь медицинская сестра по назначению врача проводит лечение больного. К тому же медсестры в профилактике ВИЧ/СПИДа должны также проводить и пропаганду по ведению здорового образа жизни. Благодаря вниманию, уделяемому правительством вашей страны, повышается уровень профессионализма медицинских сестер, и это заслуживает большого уважения. Желаю дальнейших профессиональных успехов в их работе.



Ярослава ЛОПАТИНА,
(Украина).

— Сегодняшняя конференция, касающаяся роли меди-

цинских сестер в профилактике ВИЧ/СПИДа по своей сути является актуальным мероприятием, на котором сконцентрировалось внимание всех ее участников. К сожалению, проблема ВИЧ/СПИДа распространилась и продолжает расти, охватывая все новые регионы. В ходе работы конференции и в беседе с нашими узбекистанскими коллегами, мы еще раз убедились, что у нас одна единственная цель — разработка новых рекомендаций, которые будут применяться в работе среднего медперсонала для борьбы против данной проблемы. Знакомясь с работой ме-



дицинских сестер меня обрадовало то, что она действительно осуществляется профессионально и результативно не только в столице, но и во всех областях вашей республики. Подготовка специалистов и постоянное закрепление знаний медицинских сестер показывает свои позитивы. А действующий у вас факультет подготовки медицинских сестер с высшим образованием еще раз подтверждает все

Галина ПЕРФЕЛЬЕВА,
(Дания).

— Формирование толерантных отношений между медицинскими сестрами и пациентами, создание всех необходимых условий для качественной работы, подготовка высококвалифицированных специалистов является самой главной задачей в каждой стране. Будучи в Узбекистане, хотелось бы особо отметить большой потенциал медицинских сестер. В ходе активной беседы на протяжении всего семинара они проявили весь профессионализм и обширные знания. Действительно, результативность работы невозможна без качественной подготовки кадров. И поэтому, обсуждая сегодняшнюю актуальность проблемы ВИЧ/СПИДа была неоднократно



упомянута необходимость воспитания квалифицированных специалистов. В приоритете развития этого направления важно обеспечить их необходимым современным инструментарием, наглядными пособиями, обучающими тренингами.

Несомненно, все эти мероприятия должны осуществляться, но только общими силами. Здесь значима роль и врачей, и самих медсестер, и конечно, представителей средств массовой информации. Пропаганда ведения здорового образа жизни путем трансляции теле- и радиопередач, публикаций статей в газетах и журналах очень важна. Исходя из этого, разработанные ныне рекомендации должны помочь в деле улучшения роли медсестер и профилактики ВИЧ/СПИДа.

Ирода ИЛЬХОМОВА.
Фото: Ибодат
СОАТОВОЙ.



Материал подготовлен при содействии
Общественного фонда поддержки и развития
независимых печатных средств массовой
информации и информационных агентств
Республики Узбекистан.



ОИТС/СПИДнинг олдини олиш Навоий вилояти

Навоий вилояти ОИТС маркази 1982 йил 25 сентябрда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда вилоят аҳолиси орасида ОИТС касаллигининг олдини олиш борасида профилактик тадбирлар олиб бориб, халқнинг ОИТС касаллиги бўйича билим савиясини ошириб, ОИВ/ОИТС касаллиги билан зарарланган беморларга малакали ёрдам кўрсатиб келмоқда. Марказда 10 нафар врач ва 18 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Ходимларимиз мунтазам равишда ўз малакаларини Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган семинар-тренингларда ошириб келмоқда.

ОИТС марказидаги иммунодиагностика таҳлилхонаси БМТнинг СДС ташкилоти томонидан замонавий диагностика аппаратлари билан жиҳозлаб берилди. Бу эса ўз навбатида аҳоли, асосан хавфли гуруҳлар орасида ОИТС касаллиги диагностикасини аниқлашда қўл келмоқда.



Хар бир глобал муаммо мутахассисни баҳс ва мушоҳадага чорлайди.

Бугунги кунда хавфли гуруҳлар орасида касалликни камайтириш мақсадида халқаро ташкилотлардан Глобал фонд ҳамда «СПИД Фонд Восток-Запад» лойиҳаси ҳамкорлигида профилактик тадбирлар олиб боришда, хавфли гуруҳларнинг ижтимоий, тиббий ҳамда юридик муаммоларини ҳал қилиш мақсадида марказда «Ресурс маркази», «Ишонч» ижтимоий бюроси ҳамда томирига гиёҳванд модда қабул қилувчи гиёҳвандлар учун «Мадад» нодавлат ташкилоти таркибиде ижтимоий бюрлар ташкил этилди. Ушбу бюрлар гиёҳвандлар ва ОИВ-инфекцияси билан зарарланган беморларга амалий ёрдам бериб, уларнинг ижтимоий, руҳий ҳамда тиббий муаммоларини ечишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Аҳолини аноним, яъни ҳуфий, шахсини сир сақлаган ҳолда ОИВ-инфекциясига текширтириш ва тиббий муаммоларни ҳал қилиш учун вилоятда 10 дан ортқ аноним хоналари ташкил қилинган. Биргина 2006 йилнинг тўққиз ойида аноним хоналарга 1685 нафар шахс мурожаат қилган ва уларнинг 958 нафари ўзини ихтиёрий равишда ОИТС касаллигига текширтган, уларга ОИТС ва жинсий алоқа орқали юқадиган касалликлар, гиёҳвандлик ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Бетартиб жинсий алоқада бўладиган касалликлар тарқалиши, балки ОИТС касаллиги ҳам ушбу шахслар орасида тез кўпайиши инобат-

ўзини аноним ҳолатда текширтирганда уларнинг 5 нафарида захм ва 1 нафарида ИФА (+) натижа аниқланган. Ўртоқлик хонасига мурожаат қилган шахсларга нафақат бепул, балки тегишли маслаҳатлар, ОИТС ва жинсий алоқа йўли орқали юқадиган касалликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар берилиб, уларга эслатма, буклетлар ҳамда резина гилофлар тарқатилиб келинмоқда.

Шунингдек, гиёҳвандлар орасида ОИТС касаллиги тарқалишини камайтириш мақсадида вилоятда 12 та «Ишонч хонаси» ташкил этилган. Уларда малакали мутахассислар ишлаб келмоқда. Ишонч хоналари томирига гиёҳванд моддалар қабул

29654 та резина гилофлар ҳамда 400 дан зиёд эслатма ва буклетлар тарқатилган. Ишонч хоналарига Глобал фонд ёрдамида бир марта ишлатиладиган шприцлар, резина гилофлар ҳамда жиҳозлар олиб берилди. Бу эса ўз навбатида ушбу хоналарнинг фаолияти янада жонланишига сабаб бўлди. Ишонч хоналари мутахассислари халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган бир қатор семинар-тренингларда қатнашиб ўз малакаларини оширди. Марказ эпидемиологлари томонидан вилоят ДМПларида ОИТС касаллиги шифохона ичида ҳамда беморларга қон ва унинг компонентлари орқали юқишининг олдини олиш бо-

ворить о СПИДе?» мавзуларида мақолалар чоп этилди. Дўстлик байроғи газетасида «Яна ОИТС тўғрисида» руқнида, «Навоийский химик» газетасида «ОИТС тўғрисида биласизми?» руқнида, «Хатирчи ҳаёти» газетасида «Умр – оқабатган сув» руқнида ва «Знамя дружбы» газетасида ОИТС маркази қошида жойлашган «Ўртоқлик хонаси»нинг иш фаолиятини ёритувчи мақолалар чоп этилди;

* Шунингдек, «Саховат» дехқон бозоридаги радиоси ва «Навоийазот» ОАЖ радиотармоғи орқали «Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари», «ОИТС ва унинг оқибатлари», «ОИТС ва

МУҲИМИ: ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ

қилувчи гиёҳвандлар орасида фақат бир марта ишлатиладиган шприц ва резина гилофларни тарқатибгина қолмай, балки улар орасида касалликнинг олдини олиш ва камайтириш борасида тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Ишонч хоналари ишида «тенг-тенги» усули асосида тайёрланган кўнгилли волонтерлар фаол қатнашиб, ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. 2006 йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоят «Ишонч» хоналарига 4172 нафар шахс мурожаат қилган, шуларнинг 201 нафари мунтазам мурожаат қилмоқда. Уларга 20 нафардан зиёд кўнгилли волонтерлар хизмат кўрсатмоқда. Биргина 2006 йилнинг тўққиз ойида 33496 та бир марта ишлатиладиган шприц ва

расида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Аввалмбор барча ДПМларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг ОИТС муаммоси бўйича билим савияларини ошириш мақсадида услубий семинарлар, конференциялар ташкил қилиниб, барча эпидемияга қарши чора-тадбирлар устидан назоратни кучайтириб, тиббиёт ходимлари ҳушёрлиги оширилмоқда.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган беморлар марказнинг диспансер бўлимида назоратга олиниб амбулатор ва стационар шариотда даволаниб келмоқда. Бугунги кунда Глобал фонд ёрдамида ретровирусларга қарши даво усуллари қўлланилиб, бепул дорилар билан даволанмоқда. Бунда ОИВ инфекцияси билан зарарланган беморлардан тузилган «Фидойи» гуруҳи ҳамкорлик қилиб амалий ёрдам бериб келмоқда. Беморлар ва тиббиёт ходимлари ўзаро келишган ҳолда беморнинг руҳий, тиббий муаммолар ечимларини топмоқдалар. Вилоят аҳолиси, айниқса, ёшлар орасида ОИТС касаллиги ва гиёҳвандлик оқибатлари олдини олиш борасида бир қатор санитария-тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

2006 йилда қуйидаги тарғибот ишлари марказ ходимлари томонидан амалга оширилди:

* «Саломатлик» газетасида «Беморлар манфаати йўлида», «Навоийский химик» газетасида «ОИТС инсоният кушандаси», «Почему мы вновь продолжаем го-

уинг профилактики» мавзуларида радиоэшиттиришлар ташкил этилди;

* «Тенгдош – тенгдошга» лойиҳаси асосида «ОИТС ва гиёҳвандлик илдизини қуритишда бирлашайлик», «ОИТС ва гиёҳвандлик», «Ишонч ва аноним хоналарининг фаолиятлари», «ОИТСни тўхтатинг! Ваъдани бажаринг!» мавзуларида телекўрсатув ташкил қилиниб, шунингдек, «Ишонч хоналарининг мақсади ва роли», «Аноним хонанинг моҳияти» ва «ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олишда «Ўртоқлик хонасининг» роли» мавзуларида ва «ОИТС ва жамият» мавзуларида телекўрсатувлар ташкил қилиниб, Навоий вилояти телевидениеси ва «Қизилқум» тижорат телевидениеси орқали эфирга узатилади;

* Навоий Дон маҳсулотлари корхонаси радиоси, «Шамс Мунаввар» хусусий автошоҳбека ти радиоси, «Саховат» бозори радиоси, 9-кичи туманда жойлашган тижорат бозори радиоси ва вилоят радиоси орқали «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш», «ОИТС касаллиги ва унинг тарқалишини олдини олиш», «Гиёҳвандлик ва ОИТС», «Гиёҳвандлик оқибатлари», «Қутуриш касаллиги» мавзуларида радио эшиттиришлар ўзказилди.

ОИТСга қарши курашиш маркази ходимлари томонидан ҳисобот даври давомида 216 та маъруза, 244 та савол-жавоб, 449 та сўхбат, 21 та семинар, 9 та телекўрсатув, 11 та сахна кўриниши, 13 та радиоэшиттириш, 8 та мақола ва 14 та видеонамоиши ташкил этилди.

Жорий йилда ҳам аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтириб, режа асосида фаолият олиб боришмоқдамиз. Ушбу даво-си йўқ дарднинг олдини олиш ўзимизга боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

Кунсулув ШАРИПОВА,
Навоий вилояти ОИТС маркази бош врач.



Аср вабоси бўлган ОИТС/СПИД касаллигининг олдини олишда ёшлар орасида тарғибот ишларини кучайтириш лозим.

га олиниб, жинсий алоқа йўли орқали юқадиган касалликларни хавфли гуруҳлар орасида камайтириш мақсадида марказ қошида «Ўртоқлик хонаси» ташкил этилди. Ушбу хона Глобал фонд томонидан замонавий жиҳозлар билан жиҳозланиб, бепул доридармон билан таъминланди. Бугунги кунда «Ўртоқлик хонаси»да олий тоифали дерматовенеролог фаолият кўрсатмоқда. 2006 йилнинг тўққиз ойи мобайнида «Ўртоқлик хонаси»га 394 нафар шахс ўз муаммолари билан мурожаат қилган ва 194 ҳолатда жинсий алоқа йўли билан юқадиган касаллик белгилари аниқланиб, уларга синдром даволаш қўлланиб муолажа ишлари ўтказилган. Мурожаат қилганларнинг 158 нафари ОИТС ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларга



Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида тарқатилаётган ҳар қандай буклетлар давосиз дарднинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишхотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Аҳоли кенг қатлами учун

САРАТОН ИССИФИДАН САҚЛАНИНГ

Айни кунларда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида одамларда офтоб уриши ва сувсизланиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Шундай экан, инсон организмнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ташқи муҳит таъсирига мослаша олишидир. Иссиқ iklim шароитига мослашишда организмни чиниктириш, вақтида овқатланиш, ҳатто терлашнинг роли катта.

Одам организмда моддалар алмашиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик узлуқсиз ташқарига чиқиб туради. Масалан, мушакларнинг бир кечакундуз энгил ишлаши натижасида организмдан уч минг катта каллорияга яқин иссиқлик чиқади. Яна бир мисол: одам танасидан кечакундузда ажралиб чиққан иссиқлик билан уч тонна ҳажмдаги сув ҳароратини бир даражага кўтариш мумкин.

Инсон организмда иссиқлик энергияси ҳосил бўлиши билан бирга айни вақтда уни тарқатиш жараёни ҳам давом этади. Бу эса асосан буғланиш ва терлаш ҳисобига амалга оширилади. Бу борада одам терисининг аҳамияти беқиёс каттадир. Агар одам териси термос деворига ўхшаб иссиқ ўтказмайдиган хусусиятга эга бўлганида, тана ҳарорати бир соат ичида 1,5 даражага кўтарилиб, 40 соатдан сўнг қайнаш нуқтасига етарди.

Организмда тўхтовсиз давом этадиган иссиқ алмашиш жараёни икки соат давомида издан чиқса, саломатликка салбий таъсир этади, натижада тана ҳарорати уч даражага кўтарилиши мумкин. Бундай ҳол узок давом этиши киши саломатлигига путур етказиши.

Киши ҳам ёки кўп терлаши бир неча сабабларга – кунлик ҳаво ҳароратига, кўш нурининг таъсирига, шамол тезлигига, ҳавонинг намлигига, кийимнинг ранги ва қалин-юпқалигига, иш шароитига, ниҳоят, организмнинг ҳолатига ва бошқаларга боғлиқ.

Тошкент шаҳри корхоналаридаги ишчиларнинг кузатишидан шу нарса аниқландики, ёз фаслида ҳар бир киши ўрта ҳисобда тер билан 4-5 литр сув ва 20-30 грамм ош тузи йўқотар экан. Одам танасидан тер ажралиши ва унинг буғланиши тананинг совушига сабаб бўлади.

Иссиқ ҳаво ва кўш нури таъсиридан тананинг қизиқ кетиши натижасида қуйидаги ҳолларни кузатиш мумкин: гипертермия ёки тананинг қизиқ кетиши, кўш уриши, организмнинг турли ҳолатда сув йўқотиши. Бундай кўнгилсиз ҳолатлар, вазиятга қараб алоҳида ёки биргаликда содир бўлиши ҳам мумкин.

Гипертермиянинг энгил турида киши иштаҳаси йўқолади, чанқайверади, лоҳас бўлади ва уйку босади. Организм ҳарорати кўтарилиб, қон томир уриши ва нафас олиш тезлашади, терлаш кучаяди. Ўртача гипертермияда юқоридаги аломатларга бош оғриши ва айлааниши, нафас қисиши, тери юзларининг кўкариб кетиши ҳамда бўшашиши қўшилиши.

Иссиқ урганда ҳароратнинг кўтарилиши билан бир вақтда: беҳушилик, лабларнинг кўкариши, қон томир уриши тезлашиб, сўнг сусайган бўлади, терлаш ҳам камаяди, айрим ҳолларда тўхтаб қолиши мумкин.

Кўш урганда тана ҳарорати озгина кўтарилади. Бошқа клиник белгилар эса иссиқ ургана ўхшаб бўлади.

Организмнинг ортиқча сув йўқотиши натижасида «сувга ташналик» ҳолати юз беради. Бунда одам сув ичган сари ичгиси келаверади. Танадан ажралаётган тер буғланмай, томчи ҳолатида ажралиб чиқади, натижада организм ҳарорати пасаймайди. Оғир ҳолатларда эса чексиз ташналик, иштаҳа пасайиши, дармонсизлик, қорин-ичак фаолияти

бузилиши ва мувозанатни сақлаш қобилиятининг сусайиши юз бериши мумкин.

Юқоридаги ҳоллар содир бўлганда дарҳол беморнинг иссиқ алмашиш қобилиятини тиклашга ҳаракат қилмоқ керак. Умуман, ҳамма ҳолларда ҳам беморни юқори ҳарорат ҳамда кўш нури таъсиридан соя-салқин ерга олиб чиқмоқ лозим ва эркин ҳаракат қилишни қийинлаштирувчи кийимлардан ҳоли қилиш, сув ичиши, бош ва кўкракка латтани совуқ сувга ҳўлаб босиш, бош кўтарилган ҳолда бўлиши зарур. Беморга сув ичиришнинг иложи бўлмаса, тери ости ёки вена қон томирига шифокорлар ёрдамида физиологик суюқлик юбориш керак.

Иссиқ iklim шароитида серёғ овқатларни бирмунча камроқ, янги сабзавот ва турли мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Ёз кунлари овқатларни бироз шўртмамоқ еган яхши, чунки иссиқ ҳарорат таъсирида тер орқали танадан ош тузи керагидан кўпроқ ажралиб чиқади, бу эса тўқималарнинг ўз таркибига суюқликни сақлаш қобилиятини пасайтириб юборади.

Овқатланиш режимига келганимизда, у асосан иш режимига монанд тузилиши лозим. Саратонда кундалик истеъмол қилинадиган овқатнинг асосий қисмини эрталаб ва кечки пайтда ейиш, тушқи пайтда эса янги сабзавотлардан тайёрланган, ўз таркибига етарли оксилга эга бўлган овқатларни истеъмол қилиш яхши натижа беради.

Кун иссиғида кўк чой ичиш жуда фойдалидир. Турли янги мевалардан тайёрланган сувлар – олма, ўрик, айникса, олчадан тайёрланган шарбат ва коктейллар ҳам ташналиқни яхши қондиради. Ичимликларни эрталаб ва кечкурун тўйғунча ичиш мумкин. Туш пайтида эса ортиқча истеъмол қилиб бўлмайди.

Иссиқ iklim шароитида тўғри кийиниш ҳам саломатлик гаровидир. Турли рангдаги сунъий капрон тўқималардан ёки қалин ялтироқ материаллардан тикилган кийимлардан кўра, синдовдан яхши ўтган оқ матодан, энгил лавсандан тикилган кийимлар иссиқ iklim шароитида жуда қулай.

Бизнинг иссиқ iklim шароитимизда саратоннинг энг иссиқ ойларида кишилар кўзларига офтобдан сақлайдиган кўзойнак тақишлари жуда фойдалидир. Саратон ойларида эркаклар сочили тез-тез устара билан олдириб, бошига офтоб ўтказмайдиган оқ рангдаги энгил бош кийим кийиб юришга одатланиши сочини мустаҳкам қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Саратонда кун режими, шахсий гигиенага амал қилиш лозим. Ёз кунларида барча соҳа кишилари ишни эрта бошлашга, куннинг қизиган вақтида эса дам олишга одатлансалар, меҳнат унвдорлиги яхши бўлиши шубҳасиз. Иссиқ кунларда ишдан кейин илик душада чўмилиш ёки вана қабул қилишга одатланиш организмни чиниктиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

А. ТОҲИРЙИ,
Тошкент Врочлар малакасини
ошириш институти
Соғлиқни сақлашни
ташқиллаштириш
молиялаштириш ва бошқариш
кафедраси катта ўқитувчиси.

Долзарб мавзу

Сўнгги йилларда йод моддаси танқислиги бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам глобал муаммолардан бирига айланиб кетмоқда. Ва бунинг оқибатида кўплаб аҳоли турли хил касалликлар билан хасталанмоқда...

Эндокрин тизими одам организм фаолиятини назорат қилувчи ва бошқарувчи тизимларнинг энг асосийсидир. Эндокрин безларининг бири қалқонсимон бўлиб, бу аъзонининг фаолияти бузилганда ва касалликка дучор бўлганда организмдаги бутун модда алмашинуви жараёналари бузилиш ҳолатига учрайди. Шунингдек, бундай касалликларнинг асосий қисмини (80-95) қалқонсимон без хасталиклари: эндемик бўқоқ, тиреотоксикоз, гипотиреоз, аутоиммун тиреоидит ташкил қилади. Бу касалликларнинг одам организмга салбий ва жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда, шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур хасталиклар

лик ҳомиладорлик давридаги кўп нуқсонли асоратлар билан кечади. Катталарда эса, бўқоқ ва унинг асоратлари, гипотиреоз, аклий ва жинсий заифлик ҳолатларигача олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда организмни йод моддаси билан тўйдирish жуда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Аҳолининг йод моддаси билан таъминланишининг турли усуллари ишлаб чиқилган. Озиқ-овқат орқали йод моддаси етишмовчилиги ҳолатини енгиш ва уни бартараф қилиш учун аҳоли ўрта-сида ялпи, гуруҳли ҳамда индивидуал профилактика усуллари қўлланилади. Унинг самарали, сод-

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

инсоннинг меҳнат қобилиятини пасайтириш билан бирга ногиронликкача олиб келади.

Йод моддаси одам организмга жуда зарур бўлиб, қалқонсимон безнинг меъёрий фаолияти учун керакли бўлган элементдир. Ҳар бир инсон учун ҳаёт давомида кунига 100-200 микрограмм йод моддаси истеъмол қилиш керак бўлади. Йод элемент озиқ-овқатлар, ўзида йод сақлаган препаратлар кўринишида организмга тушганидан кейин ушбу бирикмалар биёкимёвий реакциялар ёрдамида парчаланиб, улар таркибидagi йод аминокислоталар билан боғланади ва қонга ўтади. Қалқонсимон без қондан йод элементни бўлган бирикмаларни юқори сезгирлик билан ажратиб олиб, ўзида мужассамлаштиради, қайта ишлаб йодли гармонларни синтез қилади ва уларни мунтазам равишда тегишли микдорда қонга ажратади. Бу гармонлар эса ўз навбатида ҳужайралардаги модда алмашинуви жараёнида фаол иштирок этиб, тананинг барча аъзолари фаолиятини изга солиб туради.

